

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

БАБОЕВА СЕВАРА САИДМУРАТОВНА

**ҚУРҒОҚЧИЛИК ШАРОИТИДА ЮМШОҚ БУҒДОЙ
ГЕНОТИПЛАРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА
ФЕНОТИПЛАШ**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бабоева Севара Саидмуратовна

Қурғоқчилик шароитида юмшоқ буғдой генотипларининг физиологик
кўрсаткичлари бўйича фенотиплаш3

Бабоева Севара Саидмуратовна

Фенотипирование генотипов пшеницы по физиологическим
параметрам при засухе21

Baboyeva Sevara Saidmuratovna

Phenotyping of wheat genotypes according to physiological parameters
in drought conditions39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works43

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ
БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.02/30.12.2019.В.53.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ
ИНСТИТУТИ**

БАБОЕВА СЕВАРА САИДМУРАТОВНА

**ҚУРҒОҚЧИЛИК ШАРОИТИДА ЮМШОҚ БУҒДОЙ
ГЕНОТИПЛАРИНИНГ ФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ БЎЙИЧА
ФЕНОТИПЛАШ**

03.00.07 – Ўсимликлар физиологияси ва биокимёси

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/B326 рақамида рўйхатга олинган.

Диссертация иши Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.genetika.uz) ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманов Рустам Махмудович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Матниязова Хилола Худайбергеновна
биология фанлари доктори, профессор

Джабборов Иброҳим Шодмонович
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.B.53.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111226, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Юқори юз а/б. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг мажлислар зали. Телефон: (+99871)264-23-90, факс (+99871)264-23-90. E-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsi.net, gen@inst.gov.uz.)

Диссертация билан Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган.) Манзил: 111226, Тошкент вилояти Қибрай тумани, Юқори юз а/б. Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг мажлислар зали. Телефон: (+99871)264-23-90.

Диссертация автореферати 2024 йил «__» ____ куни тарқатилди.

(2024 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.А. Нариманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор

И.Дж.Курбанбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор

Ш. Юнусханов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раис ўринбосари, б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Буғдой озиқ-овқат учун етиштириладиган дон экинлари орасида шолидан кейин иккинчи ўринни эгаллаб, 2022 йилда глобал буғдойнинг умумий ҳосили 780,5 миллион тоннани ташкил этди. Бугунги кунда дунё иқтисодиётини ва ишлаб чиқаришнинг хавфсизлигини ҳамда, ўсиб бораётган аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида озуқа маҳсулотларини 60% га, буғдой ҳосилдорлиги 76% гача ошириш долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда. Абиотик стресслар ичида қурғоқчилик кўплаб жараёнларга таъсир этиши билан қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини пасайтириб, глобал муаммоларга олиб келмоқда. Шу боис буғдой навларини қурғоқчилик шароитида фенотипик тадқиқ қилиш илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунё бўйича буғдой ҳосилдорлиги ва унинг сифатини янада ошириш, селекция жараёнларини жадаллаштириш, етиштириш технологияларини такомиллаштириш билан бир қаторда унинг физиологик хусусиятларини ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада ўсимликларнинг морфологик ва функционал хусусиятларини миқдорий ўлчашга йўналтирилган фенотиплаш, генотип ва атроф муҳитнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, ўсимликларнинг физиологик кўрсаткичларини ҳосилдорлик белгиларига таъсирини аниқлаш, генотип ва фенотип ўртасидаги муносабатларни аниқлашда статистик таҳлилларни асослаш, рақамли автоматлаштирилган методлардан фойдаланилган ҳолда ўсимликнинг параметрларини аниқ ва объектив рўйхатга олиш орқали турли стресс омилларга бардошли навлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамызда кўплаб соҳалар қатори қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларидан самарали фойдаланиш, буғдой етиштириш ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича, катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда, жумладан юмшоқ буғдойнинг биотик ва абиотик омилларга бардошли, қимматли хўжалик белгилари юқори бўлган навлари яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида¹ фармонида «маҳаллий тупроқ-иқлим ва экологик шароитларига мослашган қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекцион навларини яратиш ва жорий этиш» вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, буғдойнинг юқори ҳосилли, ташқи муҳит омилларига чидамли янги навларини яратишда анъанавий селекцияга замонавий фан ютуқлари, жумладан юқори самарали фенотиплаш усулларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2021 йил 1 апрелдаги

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони

ПФ-6198-сон “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида” ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси

Фенотип ва генотип атамаларини Даниялик ўсимликшунос Vilgelm Yogannsen (1903) киритган, ўсимликларнинг анатомик, онтогенетик, физиологик ва биокимёвий хусусиятларини микдорий тавсифлашдан иборат бўлган фенотиплаш бўйича Achim Walter (2015), Leister D. (1999), Rajendran K. (2009), Hartmann A. (2011), R. T. Furbank (2011), Fiorani F. (2013), M. Minervini (2015), M. D. Wilkinson (2016), F. Tardieu (2017), Roland Pieruschka and Uli Schurr (2019), Л.В. Цаценко (2017), М. Я. Брагинский ва Д. В. Тараканов (2021) тадқиқотлар олиб бормоқда. Глобал миқёсда Халқаро ўсимликларни фенотиплаш тармоғи 2016 йилда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда 40 га яқин ташкилотлар халқаро миқёсда ўсимликлар фенотипининг тегишли соҳаларида йирик симпозиумлар ва семинарлар ташкил этишда ҳамкорлик қилади.

МДХ давлатларидан Белорус Давлат университетидан В. В. Демидчик ва бошқалар (2020), Белгород Давлат университетидан В.А.Бережной (2021), Новосибирск университетидан Д.А.Афонников (2016) ва бошқалар томонидани ишлаб чиқарилган юқори самарали фенотиплаш усуллари ҳам лабораторияда назорат остида, ҳам дала шароитида ўсимликларни оммавий фенотиплашнинг асосий технологияларидан, генетика ва селекция муаммоларини самарали ҳал қилиш учун улардан фойдаланиш истиқболларини башорат қилган.

Бироқ Ўзбекистонда бу соҳадаги илмий изланишлар кам сонли бўлиб, янги технологияларни селекция жараёнига ва илмий жамоага тез етказиб бериш, навлар, етиштириш шароитлари тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш ва ундан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш зарурияти сақланиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № А-ФА-104 “Рақамлашган феномика моделлаштириш технологияларидан фойдаланиб бўғдойнинг биотик ва абиотик омилларга чидамли навларини яратиш” амалий

лойихаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юмшоқ буғдойнинг Марказий Осиё ва Қозоғистон селекциясига мансуб навларни фенотиплаш орқали сув танқислиги стресси ва оптимал шароитда доннинг ҳосилдорлигини кўрсатиб берувчи морфофизиологик кўрсаткичларга асосланиб, ўзида қимматли хўжалик белгиларни қамраб олган генотипларни саралаб олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юмшоқ буғдойнинг Марказий Осиё ва Қозоғистонда кенг районлашган навларидан хар бир бошоқни алохида экиш усулида генотипик мономорф бошланғич материал олиш;

оптимал ва сув танқислиги шароитида морфофизиологик белгилар ва ҳосилдорлик кўрсаткичларини дисперсион таҳлил қилиш;

кўчатзорга киритилган генотипларни сариқ занг касаллигига чидамлилигини баҳолаш;

оптимал ва сув танқислиги шароитида генотипларни физиологик кўрсаткичлари (баргнинг сув ушлаш қобиляти, умумий хлорофиллар миқдори, барг сатҳи ва трихомалар ҳажми) бўйича фенотиплаш;

абиотик омилларнинг дон ҳосилдорлигига таъсирини баҳолаш, навларнинг қурғоқчиликка чидамлилик индексини ҳисоблаш;

селекция индекслари ва юқори бўғим узунлигининг ҳосилдорликга таъсирини аниқлаш;

буғдой намуналарини қимматли хўжалик белгилари бўйича фенотиплаш ва маълумотлар базасига киритиш;

иқлим ўзгаришининг юмшоқ буғдой навларининг сифат кўрсаткичига таъсирини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида юмшоқ буғдойнинг Марказий Осиё ва Қозоғистонда районлашган элита нав намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети юмшоқ буғдой навларини оптимал ва сув танқислиги шароитида морфофизиологик кўрсаткичлари ўсимлик бўйи, барг сатҳи, баргдаги трихомалар, баргнинг сув ушлаш қобиляти, хлорофиллар сони, қурғоқчиликка чидамлилик ҳамда ҳосилдорлик индекслари бўйича фенотиплашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни бажариш жараёнида ўсимликлар физиологияси замоновий усулларида ўсимликларни лазерли сканер ёрдамида фенотиплаш ва Генотипларнинг морфофизиологик кўрсаткичлари бўйича статистик таҳлили NCSS статистик дастурий таъминотдан, дисперсион таҳлилда (ANOVA) умумий чизиқли модел (GLM) функциясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор Марказий Осиё ва Қозоғистон селекциясига мансуб 171 та юмшоқ буғдой навлари оптимал ва сув танқислиги шароитида морфоҳўжалик белгилари бўйича фенотипланган;

икки факторли дисперсион анализ таҳлилида юмшоқ буғдой навларининг совуқка чидамлилиги, ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги ва бошоқчалар сони,

бошоқдаги дон оғирлиги, 1000 дон оғирлиги ва умумий ҳосилдорлиги кўпроқ генотипга боғлиқ бўлиши, барг сатҳи ва баргларнинг куруқ вазнига атроф-муҳит шароитлари кўпроқ таъсир кўрсатиши аниқланган;

турли худудлардан олинган буғдой навлари табиий инфекцион фонда сариқ занг касаллигига чидамлилиги баҳоланган ва энг чидамли нав намуналари ажратиб олинган;

суғорилмайдиган шароитларда буғдойнинг байроқ баргидаги трихомалар сони суғориладиган шароитга нисбатан кўп бўлиши, юқори намлик эса трихомаларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

лазерли сканер CI-202 ускунасида дала шароитида барг тўқимасига зарар етказмаган холда барг сатҳи таҳлил қилинганда сув танқислиги шароитидаги барг сатҳи оптимал шароитга нисбатан катта фарқ билан кичиклашганлиги, намлик юқори бўлган шароитда барг сатҳи оптимал шароитга нисбатан йирикроқ бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Марказий Осиё ва Қозоғистон селекциясига мансуб 171 та буғдой навларининг сариқ занг касаллигига чидамлилиги табиий муҳитда баҳоланиб, нисбатан чидамли генотиплар ажратиб олинган ва селекция жараёнига бошланғич манба сифатида тавсия этилган;

171 та буғдой навларнинг қимматли хўжалик, ҳамда морфофизиологик кўрсаткичлари бўйича статистик маълумотлар йиғилган ва маълумотлар базасига киритилган;

барча кўрсаткичлари бўйича юқори бўлган 50 та нав намунаси танлаб олинган ва уларнинг курғоқчиликка чидамлилиги ва ҳосилдорлик индекслари бўйича баҳоланган, оптимал ва сув танқислиги шароитида барқарор ҳосилдорликка эга намуналар ажратиб олинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларда қўлланилган усуллар ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларнинг назарий маълумотларга мос келиши, статистик таҳлили, тадқиқотлар натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлардаги муҳокамаси ҳамда етакчи илмий журналларда чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти глобал иқлим ўзгаришининг юмшоқ буғдойнинг морфофизиологик кўрсаткичларига таъсири феномика услублари асосида тадқиқ қилиниб, Марказий Осиё ва Қозоғистон селекциясига мансуб катта микдордаги сара буғдой навлари физиологик ва қимматли хўжалик белгилари бўйича фенотипланганлиги билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти буғдойнинг занг касалликларига нисбатан чидамли, сув танқислигига бардошли, оптимал ва сув танқислиги шароитида барқарор ҳосилдорликка эга бўлган нав намуналарининг ажратиб олинганлиги, 171 та навнинг морфофизиологик ва қимматли хўжалик белгилари бўйича кўрсаткичларнинг маълумотлар базасига киритилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Курғоқчилик шароитида

юмшоқ буғдой генотипларининг физиологик ва хўжалик кўрсаткичлари бўйича фенотиплашдан олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбекистон селекциясига мансуб навларни фенотиплаш асосида танлаб олинган юмшоқ буғдойнинг Қайроқтош нави БМТ нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг “Марказий Осиё ва Туркиянинг курғоқчил ва шўрланган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ландшафтларида табиий ресурсларни комплекс бошқариш” (GCP/SEC/293/GEF) лойихаси доирасида 2021 йилда Қашқадарё вилояти Қамаш туманидаги “Жовли бобо ўғли Бахтиёр”, “Эшқувват хожи ўғли Урол” ва “Барчиной издошлари” фермер хўжаликларида 87 га майдонга жорий қилинган (БМТ нинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ФАО нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси 21 ноябр 2023 йил 804.23 –сон маълумотномаси). Натижада, Қашқадарё вилоятининг лалми майдонларида гектаридан 25 центнердан ҳосил олиш имконини берган;

Марказий Осиё ва Қозоғистонда районлашган 200 та навнинг 20 та кўрсаткичларидан “Мавжуд биологик коллекцияларни инвентаризация қилиш, рақамлаштириш биологик материалларнинг (биокolleкциялар) рақамли маълумотлар базасини яратиш” мавзусидаги амалий лойихасида MS Excel дастурига электрон маълумотлар базасини шакллантиришда фойдаланилган (Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 18 август 2023 йил 4/17-4/4-125 сон маълумотномаси). Натижада, Марказий Осиё ва Қозоғистонда районлашган юмшоқ буғдойнинг 200 га яқин навларининг икки хил шароитдаги 20 та параметрлар бўйича маълумотлари билан маълумотлар базасини бойитишга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 та республика илмий-амалий анжуманларда ва 3 та халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, илмий ишнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари келтириб ўтилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот

натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи бобида **“Феномика ва қишлоқ хўжалик экинларининг стресс шароитида фенотиплашнинг аҳамияти”** бўйича дунёда олиб борилаётган илмий тадқиқотларда тадқиқот ишлари ёритилган. Генотип ва фенотип ўртасидаги муносабатларни аниқлаш статистик таҳлилларга асосланган, унинг самарадордиги ва аниқлиги таҳлил қилинган намуналарнинг ҳажмига боғлиқ. Катта ҳажмдаги тажрибаларни ўтказиш учун, бугунги даврнинг асосий вазифаларидан бири ўсимликнинг фенотипик кўрсаткичларини ўлчаш ҳисобланади. Ушбу муаммони ҳал қилишга уринишлар биология, информатика ва муҳандислик кесишмасида янги фан феномика соҳасининг шаклланишига олиб келган. Фенотипик маълумотларни тўплаш ва уларни кенг қўллашда фойдаланиш, жумладан генотип ва атроф муҳитнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш феномиканинг вазифаси қилиб олинган. Генотипларни маълум бир шароитга мослашган намуналарни саралаб олиш асосан катта миқдордаги генотипларни фенотиплаш давомида амалга оширилади. Фенотиплашни баҳолашда фойдаланиладиган турли индекслар, бунда генотип ва муҳитнинг боғлиқлиги каби маълумотлар кенг ёритиб берилган.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Тадқиқот ўтказилган жой ва шароити, манбаи ва услублари»** бўйича олиб борилган тадқиқот шароитлари ва объектлари, услублари кенг ёритиб берилган. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ бўлган гидротермик коэффициент, тадқиқот манбалари сифатида олинган буғдой навлари, тадқиқотда фойдаланилган услублар, турли стресс омилларга чидамлилиқ индексларини ҳисоблаш дастурлари киритилган. Генотипларнинг морфофизиологик кўрсаткичлари бўйича статистик таҳлилинини амалга ошириш мақсадида NCSS статистик дастурий таъминотдан фойдаланилган. Дисперсион таҳлилинини (ANOVA) умумий чизиқли модел (GLM) функциясидан фойдаланиб бажарилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Қурғоқчилик шароитида юмшоқ буғдой генотипларининг стрессга чидамлилиқ бўйича фенотиплаш”** да 171 та юмшоқ буғдой навларининг морфофизиологик ва ҳосилдорлик белгилари икки хил шароитда, яъни суғорилган ва суғорилмаган (сув танқислиги фонида) ўрганилиб, икки хил шароитдаги ўртача статистик таҳлили амалга оширилганда сув танқислиги шароитига нисбатан оптимал шароитда унувчанлик 8% га ва совуқдан зарарланиш 12% га камайган бўлса, хлорофиллар миқдори (SPAD) 10%, барг сатҳи 31%, нисбий сув тутиш қобилияти 10%, баргнинг қуруқ массаси 39%, баргнинг ширадорлиги 4%, ўсимлик бўйи 5%, ҳамда юқори бўғим узунлиги 12% га, ҳосилдорлик кўрсаткичларидан бошоқ оғирлиги 17% , бошоқдаги дон оғирлиги 21%, 1000 дон дон вази 23% ва 1 м² майдондаги ҳосилдорлик кўрсаткичи 37% га ошганлиги кузатилган.

Юмшоқ буғдой генотипларининг оптимал ва сув танқислиги шароитидаги морфофизиологик ва ҳосилдорлик кўрсаткичларининг икки факторли

дисперсион таҳлили ва генотип-муҳит боғлиқлиги таҳлил қилинганда навларнинг совуқдан зарарланиши, ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги ва бошоқчалар сони, бошоқдаги дон оғирлиги, 1000 та дон вазни ва умумий ҳосилдорлик кўпроқ генотипга боғлиқ эканлиги, барг сатҳи, баргнинг қуруқ массасига муҳитнинг таъсири юқори бўлган, ҳамда 1000 дон дон вазни ва ҳосилдорликка сезиларли даражада таъсир этганлиги кузатилган. Генотип ва атроф муҳитнинг биргаликдаги таъсири уруғнинг унувчанлиги, баргдаги хлорофиллар миқдори (SPAD кўрсаткичи бўйича), баргнинг нисбий сув тутиш қобилияти, юқори бўғим оралиғи, бошоқ ва дон оғирлигига таъсири сезиларли бўлган.

Ўрганилган 171 та юмшоқ буғдой генотипларининг ўзаро ва белгилараро боғлиқлигини 3 томонлама кластер таҳлили намуналарни 6 та гуруҳга бўлган. 1-кластерга оптимал шароитдаги унувчанлик ва икки шароитдаги баргларнинг нисбий сув тутиш қобилияти ўз ичига олган, 2-кластерга икки шароитдаги ўсимлик бўй узунлиги, 3-кластерга икки шароитдаги генотипларнинг совуқдан зарарланиши, 4-кластерга икки шароитдаги хлорофиллар кўрсаткичи ва барг сатҳи, ҳамда 5-кластерга икки шароитдаги баргларнинг қуруқ массаси ва баргларнинг ширадорлиги ўз ичига олган.

Асосий компонентлар таҳлили – бу кўп томонлама статистик таҳлил бўлиб, фойдали маълумотларни йўқолишини камайтирилган ҳолда, фазода белгиларнинг жойланишини қисқартирилади. Ўрганилган 171 та юмшоқ буғдой навларининг морфофизиологик белгилардаги ўзгарувчанликнинг катта қисмини ҳисобга оладиган 10 та кўрсаткич икки хил шароитда ўрганилган барг сатҳи, барг ширадорлиги, ўсимлик бўй узунлиги, хлорофилл миқдори, баргнинг қуруқ массаси, ётиб қолишлик, баргларнинг нисбий сув тутиш қобилияти, совуқдан зарарланиш, унувчанлик ва юқори бўғим узунлиги каби 10 та белги 10 та компонент сифатида таҳлил этилган, компонентларни қиймати (eigenvalue) 1.0 га тенг ёки ундан катта бўлган 4 та асосий компонент танланган (1-жадвал ва 1 расм).

1-жадвал.

Танланган 4 та асосий компонентлар морфофизиологик кўрсаткичларининг таҳлили

		PC 1	PC 2	PC 3	PC 4
1	Барг сатҳи	0,52	-0,04	0,26	-0,22
2	Барг ширадорлиги	-0,01	0,49	0,03	0,63
3	Ўсимлик бўй узунлиги	0,34	-0,39	-0,31	0,18
4	Хлорофилл миқдори /SPAD	0,14	0,42	0,01	-0,37
5	Барг қуруқ массаси (DW)	0,47	0,13	0,31	-0,12
6	Ётиб қолишлик	0,05	-0,43	0,09	0,21
7	Нисбий сув тутиши (RWC)	0,36	0,30	-0,05	0,47
8	Совуқдан зарарланиши	-0,16	-0,02	0,79	0,04
9	Унувчанлик (%)	-0,19	-0,28	0,32	0,32
10	Юқори бўғим узунлиги	0,42	-0,24	0,04	0,12


1 асосий компонентда барг сатҳи 0,52 фазовий нуктасида жойлашган бўлса, унга яқин бўлган баргнинг қуруқ массаси 0,47 нуктада, баргнинг нисбий сув

сақлаш қобилияти 0,36 нуктада, юқори бўғим узунлиги 0,42 нуктада, ўсимлик бўй узунлиги 0,34 нуктада жойлашган бўлиб, ушбу белгилар бир-бирига ўзаро яқинлигини кўрсатилган.

2 асосий компонент - баргнинг ширадорлиги 0,49 фазовий нуктада жой олган бўлса, унга яқин жойлашган хлорофиллар миқдори (SPAD кўрсаткичи) 0,42 нуктада, ҳамда баргларнинг нисбий сув сақлаши 0,30 нуктада жойлашган.

3-асосий компонент таҳлили остида барг сатҳи, барг қуруқ массаси ва унувчанлик ўзаро яқин жой олган бўлса, баргнинг ширадорлиги, хлорофилл миқдори, ётиб қолишлик, баргларнинг нисбий сув сақлаш қобилияти, ҳамда юқори бўғим узунлиги каби белгилар бир бирига жуда яқин эканлиги кузатилган.

4-асосий компонент таҳлилида фазовий манфий нуктада барг сатҳи, хлорофилл миқдори, барг қуруқ массаси ўзаро яқин жой олган бўлса, мусбат фазосида барг ширадорлиги, нисбий сув сақлаш қобилияти ва унувчанлик каби кўрсаткичлар бир бирига нисбатан яқин эканлиги аниқланган



1-расм. Юмшоқ бугдой навларининг морфофизиологик белгиларининг асосий икки компонент таҳлили

Юмшоқ бугдой навларининг қурғоқчиликка чидамлилик индекси ва морфофизиологик белгиларнинг индексга боғлиқлиги таҳлил қилинган параграфда ўрганилаётган генотипларнинг қурғоқчиликка реакциясини баҳолаш DSI (Drought susceptibility index) индексидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган.

Ўрганилган навлар 10 та гуруҳга бўлинган бўлиб, стрессга жуда чидамли

бўлган 1-3 гуруҳларга 43 та нав, стрессга чидамли бўлган 4 ва 5 гуруҳларга 54 та нав, стрессга ўртача чидамсиз бўлган 6 ва 7 гуруҳлар 42 та нав, ҳамда стрессга умуман чидамсиз бўлган 8-10 гуруҳлар эса 49 та нав ажратилган.

Хлорофилл миқдори кўрсаткичи SPAD метер ёрдамида ҳар бир навдан 10 тадан баргларда ўлчанган. Умумий 3520 та барг хлорофилл кўрсаткичи ўлчанганда хлорофилл SPAD кўрсаткичи бўйича, сув танқислиги шароитида оптимал шароитга нисбатан паст бўлиши, ҳамда стрессга чидамлилиқ индекси юқорилашган сари, пасайиб бориши кузатилган. 1-5 гуруҳларда сув танқислиги шароитида оптимал шароитга нисбатан хлорофилллар миқдори кўрсаткичи 4-5% га пасайган бўлса, 6-10 гуруҳларда эса 12-26% гача пасайган.

Барг сатҳи лазерли сканер ёрдамида ўлчанганда оптимал шароитга нисбатан, сув танқислиги шароитида барг сатҳи 26-37% гача камайганлиги кузатилган. Шунингдек, стрессга чидамлилиқ даражаси ўсимлик бўйи узунлигига катта таъсир қилмасда, ўртача ҳисобда сув танқислиги шароитида ўсимликларнинг бўй узунлиги 12% гача пасайгани, аналогик ҳолда юқори бўғим узунлиги стресс шароитида 15% гача пасайгани кузатилди.

Юмшоқ буғдой генотипларининг курғоқчилик шароитида сариқ занг касалликлари бўйича фенотишлаш ўтказилган. Бу жараён буғдой навларида касалликнинг максимал ривожланиши даврида ўсимликларнинг шикастланиши ҳисобга олинган. Сариқ занг касаллигига чидамлилиқ суний яратилган инфекция фонди баҳолаш шкаласи - О (zero) -иммуни; R (resistant) - (пустула ўрнида аниқ белгиланган хлорозли доғлар, 5-10% гача барг зарарланиши мумкин); MR (moderate resistant) - ўртача чидамлилиқ (пустула жуда майда, хлорозли зонаси билан ўралган, барг зарарланиши 10-30% дан кўп эмас); MS (moderate susceptible) - ўртача сезувчанлик (кичик пустула, барг зарарланиши 40-50% гача); S (susceptible) - сезувчан (йирик пустула, барг зарарланиши 75-100% гача) бўйича баҳоланган.


Қозоғистон селекциясига таълуқли бўлган 58 та навнинг сариқ занг касаллиги билан зарарланиши таҳлил қилинганда, умумий 58% навлари чидамсиз эканлиги, шундан 10 та нав 100 S гача, 18 та нав эса 80S ва яна 6 та навлар 60 S даражада касалланган.

Ўзбекистон селекционер олимлари томонидан сўнги йилларда яратилган юмшоқ буғдой навлари кучли инфекция фонларида синаб кўрилганда уларнинг катта қисми Сариқ занг касаллигига умуман чидамсиз эканлиги аниқланган. Бунда Аср, Ёнбош ва Дўстлик навлари нисбатан чидамли MR гача, Омад ва Андижон 2 навлари мос равишда MS даражасида ўртача чидамсиз нав сифатида баҳоланган бўлса, қолган навларнинг катта гуруҳи S даражасигача касалланганлиги аниқланган.

Қирғизистон селекциясидан ушбу кўчатзорга киритилган 32 та навдан Канская, Азирбош, Тилек ва Аракет навлари турли даражада чидамлилиқни намоён қилган, Эритроспермум 760, Кайрак, Адыр, Ажара каби навлар курғоқчилик шароитида назорат шароитига нисбатан сариқ занг касаллигига чидамсизроқ эканлиги кузатилган.

Россия селекциясига мансуб бўлган, Ўзбекистонда экишга рухсат

берилган навлар қаторига киритилган 26 та навлар таҳлил қилинганда, Гранни ва Грация навларини R – чидамли даражада баҳоланган, янги навлардан Петр ва Московская 39 навлари 30% гача зарарланган бўлсада, касаллик тушган баргларда некрозлар ҳосил бўлиши ва занг касаллиги кейинги ривожланишдан тўхтаб қолиши бу навларнинг MR ўртача чидамли навлар сифатида баҳолаш имкониятини берган. Ўзбекистонда кенг майдонларда экилаётган Васса, Крошка, Гром, Афина ва Старшина навларида MS даражасида касалликка сезувчанлик аниқланган. Есаул, Калим ва Караван, Гурт навида эса MS билан ўртача чидамсиз нав сифатида баҳоланган. Половчанка навида, Уманка ва Памят навларида, ҳамда Кума навида 60S, Восторг, Зимница, Нота, Безостая, Краснодарская 99, Антонина навларида касалликка чидамсизлик 80S шкаласида баҳоланди. Зимородок ва Баграт навлари эса тўлиқ чидамсиз нав эканлиги аниқланган.



2 расм. Турли селекция навларининг сарик занг касаллиги билан зарарланиш даражаси.

Диссертациянинг учинчи бобининг сўнгида олинган натижаларнинг “Маълумотлар базаси” сига киритиш бўйича бажарилган ишлар киритилган. 171 та навнинг икки хил шароитида, оптимал шароит ва сув танқислиги шароитида ўрганилган 20 дан ортиқ морфофизиологик белгилар, ҳамда ҳосилдорлик белгилар ҳақидаги маълумотларни маълумотлар базасига киритилган. Бу ишлар Илғор технологиялар маркази томонидан бажарилиб келаётган “Мавжуд биологик материалларнинг (биоколлекциялар)

рақамлаштириш ва инвентаризациялаш йўли билан биологик коллекцияларни рақамли маълумотлар базасини яратиш” лойиҳаси билан ҳамкорликда бажарилган.

Иқлим ўзгаришининг юмшоқ буғдой генотипларнинг физиологик кўрсаткичларига таъсири деб номланган тўртинчи бобда баргдаги хлорофиллар миқдори SPAD кўрсаткичи бўйича, Лазерли сканер CI-202 ёрдамида барг сатҳи, баргларнинг нисбий сув тутиш қобилияти, баргнинг тукланиши каби кўрсаткичлар бўйича баҳоланган.


Тажриба йилларида буғдойнинг ўсув даврига тўғри келадиган март-май ойларида турли об-ҳаво шароитлари турлича бўлган бўлиб, тадқиқот йилларида шу даврда ёғингарчилик жуда кам бўлиши, ҳамда ёғингарчилик жуда кўп бўлиши билан намлик юқори бўлган шароит ҳам кузатилди. Бу ўз навбатида навларни турли шароитда фенотиплаш имконини берган. Россия Федерацияси селекциясининг Таня, Безостая, Караван ва Кума навларининг оптимал шароитдаги хлорофиллар миқдори индекси сув танқислигига нисбатан юқори бўлган бўлса, Васса ва Уманка навларида аксинча бўлган.

Ўзбекистон селекциясига мансуб бўлган Оқмарварид навида намлик юқори бўлган шароитда суғорилмаган майдондаги кўчатларнинг хлорофил миқдори суғорилган майдонга нисбатан юқори бўлган. Андижон 4 навининг хлорофиллар миқдори оптимал шароитда ва сув танқислиги шароитдаги кўрсаткичлари нисбатан бир хил бўлган, Дурдона, Марс1, Эъзоз навларининг оптимал шароитга нисбатан хлорофиллар миқдори сув танқислиги шароитида ҳамда намлик юқори бўлган шароитда паст бўлган. Қозоғистон селекциясининг Баянди ва Красноводопод 210 навлари оптимал шароитда хлорофил миқдори бўйича энг юқори кўрсаткични кўрсатган.

Барг сатҳи кўрсаткичи иқлим ўзгаришига кўпроқ боғлиқ бўлиб, икки факторли дисперсион таҳлилда 50% иқлимга ва 37,9% генотипга боғлиқлиги аниқланган.

Баргларнинг сув тутиш қобилияти ва баргларнинг сув потенциали каби кўрсаткичлар анъанавий услублардан бўлса ҳам, ўсимликнинг қурғоқчиликга чидамлилиқ ҳақидаги яхши маълумотни беради. Оптимал шароитга нисбатан сув танқислиги шароитида баргларнинг нисбий сув тутиш қобилияти пастроқ бўлган, ҳамда намлик юқори бўлган шароитда эса, оптимал шароитга нисбатан анча паст бўлиши саралаб олинган намуналарда кузатилди (3-расм).



Юмшоқ буғдой навларининг барглари сув ушлаш қобилияти сув танқислиги фонида нисбатан кескин фарқланадиган ва катта кўрсаткичга эга бўлган навларга Қозоғистон селекциясининг Анара, Баянди, Жетису, Карасаи, Майра, Прогресс, Реке, Сапали, Стекловидная 24 ва Нуреке, Ўзбекистон селекциясига тегишли бўлган Оқ марварид, Андижон 4, Аср, Дурдона, Марс 1, Россия Федерацияси селекциясига тегишли бўлган Гром, Кума навларида кузатилган.



3-расм. Юмшоқ буғдой навларининг турли иқлим шароитида сув сақлаш қобилияти

Қурғоқчиликга чидамли бўлган 50 та навларнинг баргларининг сув сақлаш қобилияти оптимал шароитга нисбатан сув танқислиги шароитидаги кўрсаткич бироз пасайган бўлсада, намлик юқори бўлган шароитда кескин пасайган. Ўсимликнинг сув сақлаш қобилияти 48% генотипга боғлиқ бўлса ҳам, 29% га муҳитга боғлиқлиги аниқланган.

Турли географик зоналар селекциясига мансуб бўлган буғдой навлари барги тукланишининг миқдорий характеристикаси LH Detect дастуридан фойдаланиб таҳлил қилинганда, Қозоғистон селекциясига мансуб бўлган 49 та буғдой навларидан 26 тасида тукланиш даражаси 6 донадан 20 донагача, 6 та навда 21 дан 40 донагача бўлганлиги, туклар сони 80 донадан юқори бўлган Прогресс ва Тингиш навлари (4-расм) тукланиш даражаси юқори бўлишига қарамай, тук узунлиги нисбатан калта эканлиги аниқланган.




4-расм. А. NLCD-307В бинокуляр микроскопида олинган Тингиш нави барги трихомасининг сурати (суғориладиган шароитда).

5-расм. Б. NLCD-307В бинокуляр микроскопида олинган Бардош нави барги трихомасининг сурати (суғориладиган шароитида)

Ўзбекистон селекциясига мансуб бўлган буғдой навларининг барг тукланиши табиатини таҳлил қилинган навлар орасида тукланмаган навлар (Баҳмал 97, Жасмин, Эъзоз, Жайхун, Илғор, Ҳосилдор, Яксарт), кам тукланган узун тукли навлар (Бардош (5-расм), Андижон 4, Янбош), тукланиши даражаси нисбатан юқори бўлган (Марс 1) навлар ҳам кузатилди. Ўрганилган навлар орасида Андижон 4 (14,16), Оқ буғдой (13,60) ва Янбош (13,22) навлари трихома узунлиги бўйича юқори кўрсаткичларни намоён этган (6-расм).

Умумий ўрганилган навларнинг сув танқислиги шароитида 30% намуналарда, назорат шароитида 52 % навларда тукланиш кузатилмади. Сув танқислиги шароитида 30%, сугориш шароитида 48% нав намуналарда трихома узунлиги энг паст (2,62 микрондан 24,46 микронгача); сув танқислиги шароитида энг узун трихома Ехол (паст бўйли) (143,75-166,11 мкн.), Эритроспермум 760 (51,33-84,57мкн) навларида кузатилган. Фрузенская 60 навининг намлик юқори бўлган шароитда суғорилмаган кўчатзорида барг тукчалари узун бўлиб ривожланган бўлса (83,17 мкн), суғорилган шароитида калта ва қалин бўлгани таҳлиллар натижасида аниқланган (25,71 мкн).



6-расм. Ўзбекистон селекциясига мансуб буғдой навлари барглариининг тукланиш характеристикаси.

Диссертациянинг бешинчи боби “Турли иқлим шароитларининг буғдой қимматли хўжалик белгиларига таъсири”да физиологик кўрсаткичлари бўйича фенотишлаш натижасида танлаб олинган 50 та нав намуналарининг ҳосилдорлик белгилари бўйича баҳоланган.

Сув танқислигидаги ҳосилдан олинган уруғлардан ўстирилган намлик юқори бўлган шароитда 64 % навлар яхши ҳосил берган. Фақат 12 % навларда ҳосили жуда ҳам пасайиб кетганлиги кузатилди. Оптимал шароитга нисбатан

намлик юқори шароитида ҳосилдорлик 12 та навларда юқори бўлганлиги кузатилган. 2022 йил иқлими серёмғир бўлганлиги сабабли, кўплаб навларда донлари йирик бўлиши ва 1000 дон дон вазни оптимал шароитдагидан юқори бўлганлиги кузатилган. Худди шунингдек танлаб олинган навларда бошоқ узунлиги, ундаги дон сони ва оғирлиги таҳлил қилинган. Ўсимликларнинг ҳосилдорлик индексига асосланиб баҳоланганда, Ўзбекистон селекциясининг Оқ марварид, Ўзоз, Андижон 4 ва Аср навлари, Россиянинг Васса нави, Қирғиз селекциясининг Алмира, Дордой 16 навлари, Қозоғистон селекциясининг Акдан, Баянди, Жетису, Прогресс, Реке, Сапали навлари, ҳамда Тожикистон селекциясининг Алекс навлари турли иқлим шароитларида ўртача ва юқори ҳосилдорлик индекси кўрсатишган.

2- жадвал

Навларнинг ҳосилдорлиги бўйича статистик таҳлил (г/м²)

	Нав номи	ўртача	CV %		Нав номи	ўртача	CV %
Ўзбекистон селекцияси							
1	Оқ марварид	591,37±41,29	17,1	26	Зубков	555,58±77,05	34
2	Андижон 4	749,3±53,9	17,6	27	Киял	384,98±26,59	16,9
3	Аср	691,23±93,84	33,25	28	Эрит.сп.80	473,73±52,22	27
4	Дурдона	630,30±73,82	28,7	Қозоғистон селекцияси			
5	Марс 1	404,94±44,94	27,2	29	Акдан	536,05±48,76	22,3
6	Ўзоз	559,43±18,86	8,3	30	Анара	463,49±85,89	45,4
7	Қайроқтош	489,00±36,84	18,45	31	Баянди	637,96±78,40	30,1
8	Пахлавон	661,02±43,98	14,88	32	Жетису	591,44±70,39	29,2
Россия селекцияси.				33	Карасай	445,19±59,02	32,5
9	Таня	533,06±51,37	23,6	34	Карлигаш	481,49±82,74	42,1
10	Безостая	338,45±57,69	41,8	35	Раминал	639,52±39,84	15,3
11	Уманка	447,23±50,26	27,5	36	Кр.вд. 210	456,22±36,19	19,4
12	Афина	472,68±36,05	18,7	37	Маира	468,31±69,67	36,4
13	Караван	465,69±42,14	22,17	38	Прогресс	399,05±57,40	35,2
14	Гром	445,67±30,61	16,8	39	Расад	560,43±59,72	26,1
15	Кума	477,23±43,92	22,5	40	Реке	492,73±64,90	32,3
16	Васса	604,62±39,09	15,84	41	Сапали	524,21±20,57	9,6
Қирғизстон селекцияси				42	Стекловидная 24	556,47±49,61	21,8
17	Алмира	528,81±53,69	24,9	43	Тингиш	544,49±60,71	27,3
18	Влада	341,97±93,66	67,1	44	Эрит. 350	481,52±49,17	25
19	Dank (остистый)	481,17±16,35	8,3	45	Шапагат	438,27±37,41	20,9
20	Дордой 16	548,86±23,66	10,6	46	Нуреке	418,18±60,51	35,4
21	Анка	598,51±39,26	16,1	47	Майра	571,83±37,38	16
22	Ралуб	443,68±65,24	36	Тожикистон селекцияси			
23	Фрузенская 60	529,40±36,47	16,87	48	Сомнез	591,30±50,56	21
24	Эритросп.60	562,84±74,60	32,5	49	Алекс	626,15±75,74	29,6
25	Ехол	514,94±53,57	25,5	50	Ганж	495,71±55,05	27,2

Стресс шароитнинг дон сифатига таъсири таҳлил қилинганда, Оқ марварид, Андижон 4, Дурдона ва Марс 1 навларининг клейковина микдорий

кўрсаткичи 1-синфга таълуқли эканлигини, Аср ва Пахлавон навларининг клейковина миқдори пасайгани, намлик юқори бўлган шароитда, Кума, Безостая ва Уманка навлари 3-синф, Афина нави 2-синф, Гром, Васса ва Караван навлари эса 1- синфга тегишли бўлган.

ХУЛОСАЛАР

Қурғоқчилик шароитида юмшоқ буғдой генотипларининг физиологик кўрсаткичлари бўйича фенотиплаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Юмшоқ буғдой генотипларининг оптимал ва сув танқислиги шароитидаги морфофизиологик ва ҳосилдорлик кўрсаткичларининг икки факторли дисперсион таҳлили навларнинг совуқдан зарарланиши, ўсимлик бўйи, бошоқ узунлиги ва бошоқчалар сони, бошоқдаги дон оғирлиги, 1000 та дон вазни ва умумий ҳосилдорлик кўпроқ генотипга, барг сатҳи, баргнинг қуруқ массасига муҳитга боғлиқлиги юқори бўлганлигини кўрсатди.

2. Юмшоқ буғдой навларининг морфофизиологик белгиларининг ўзгарувчанлиги икки хил шароитда ўрганилганда 10 та белги учун ҳос қиймати 1 ва ундан ортиқ бўлган 4 та асосий компонентга бўлинди. Уларнинг умумий жами аҳамиятли фоизи 67,49% ни ташкил этди.

3. Қозоғистон селекциясига мансуб 58 та навнинг сунъий инфекция фонида буғдойнинг сариқ занг касаллигига чидамлилиги бўйича фенотипланганда 9% чидамли, 13% ўртача чидамли, 20% ўртача чидамсиз ва 58% чидамсиз нав сифатида баҳоланди. Ўзбекистондаги 27 навнинг 11 фоизи ўртача чидамли, 32% ўртача ва 57 фоизи чидамсиз, Россия навларининг 8 фоизи чидамли, 8 фоизи ўртача чидамли, 36 фоизи ўртача чидамсиз ва 48 фоизи чидамсиз. Қирғизистоннинг 33та навидан 3% чидамли, 9% ўртача чидамли, 6% ўртача чидамсиз, қолганлари эса чидамсиз нав сифатида баҳоланди.

4. Сув танқислиги шароитида оптимал шароитга нисбатан хлорофиллар сони (SPAD) 10%, барг сатҳи 31%, нисбий сув тутиш хусусияти 10%, баргнинг қуруқ массаси 39%, баргнинг ширадорлиги 4%, ўсимлик бўйи 5%, ҳамда юқори бўғим узунлиги 12% га камайганлиги кузатилган. Қайроқтош, Эъзоз, Караван ва Додой 16 навлари сув танқислигига бардошли нав сифатида танланди.

5. Юмшоқ буғдой навларининг барглари чўкиш хусусиятлари абиотик омиллар таъсирида кенг ўзгарувчанликни кўрсатиши аниқланган. Барг тукланиши сув танқислиги шароитида 30% намуналарда, оптимал шароитда эса 52% намуналарда кузатилмади. Намлик юқори бўлган шароитда трихомалар кам кузатилди.

6. Тадқиқотда олиб борилган турли иқлим шароитларида 50 та навларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, турли шароитларга мослашувчанлигини таҳлил қилиш учун фойдаланилган 7 хил селекцион индекслари яхши маълумот берган. Фақат, бошоқнинг потенциал индекси бошқа индексларга нисбатан кам маълумотли бўлган. 50 та навдан қониқарли кўрсаткичга эга бўлган 10 нав танлаб олиниб, Аср ва Васса навлари энг юқори

кўрсаткичга эга ҳисобланди.

7. Илғор технологиялар маркази томонидан бажарилиб келаётган “Мавжуд биологик материалларнинг (биоколлекцияларнинг) рақамлаш-тириш ва инвентаризацияш йўли билан биологик коллекцияларни рақамли маълумотлар базасини яратиш” лойиҳаси томонидан яратилган BISE маълумотлар базасига 2021 йил оптимал ва сув танқислиги шароитида олиб борилган 171 та юмшоқ буғдой навлари бўйича тадқиқотлар натижалари киритилди

8. Намлик юқори бўлган шароитда дон сифат кўрсаткичлари бўйича Оқ марварид, Андижон 4, Дурдона ва Марс 1 навларининг клейковина миқдорий кўрсаткичи 1-синфга таълуқли бўлиб, стабилл эканлиги, Эъзоз ва Қайроқтош навларида сув танқис бўлган шароитда клейковина миқдори ва ИДК кўрсаткичи бўйича 1-синфга хос эканлиги, намликнинг юқори бўлиши эса салбий таъсир этиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc 02/30.12.2019.В.53.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ ГЕНЕТИКИ И
ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ РАСТЕНИЙ**

**ИНСТИТУТ ГЕНЕТИКИ И ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНОЙ БИОЛОГИИ
РАСТЕНИЙ**

БАБОЕВА СЕВАРА САИДМУРАТОВНА

**ФЕНОТИПИРОВАНИЕ ГЕНОТИПОВ ПШЕНИЦЫ ПО
ФИЗИОЛОГИЧЕСКИМ ПАРАМЕТРАМ ПРИ ЗАСУХЕ**

03.00.07 – физиология и биохимия растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/В326

Диссертация выполнена в Институте генетики и экспериментальной биологии растений

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.genetika.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:

Усманов Рустам Махмудович
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Матниязова Хилола Худайбергеновна
доктор биологических наук, профессор
Джабборов Иброхим Шодмонович
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится “___” _____ 2024 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2019.B.53.01 при Институте генетики и экспериментальной биологии растений (Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори - юз, актовй зал Института генетики и экспериментальной биологии растений. Тел.:(+99871)264-23-90, факс (+99871)264-23-90. E-mail: igebr@academy.uz, genetics@uzsci.net, gen@inst.gov.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института генетики и экспериментальной биологии растений (зарегистрирована за №.....). Адрес: 111226, Ташкентская область, Кибрайский район, п/о Юкори-юз. Тел.: (+99871)264-23-90.

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2024 года
(реестр протокола рассылки ”___” от “___” _____ 2024 года)

А.А. Нариманов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.с./х.н., профессор

И.Дж.Курбанбаев
Ученый секретарь научного
совета по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

Ш.Юнусханов
Заместитель председателя
научного семинара при научном
совете по присуждению ученых
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD) наук)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Пшеница является второй по величине продовольственной зерновой культурой после риса, а общий мировой урожай пшеницы в 2022 году составил 780,5 млн тонн. Сегодня актуальными вопросами остаются увеличение производства продуктов питания на 60% и урожайности пшеницы до 76% в целях обеспечения мировой экономики, а также продовольственной безопасности растущего населения. Среди абиотических стрессов засуха является глобальной проблемой, снижающей урожайность сельскохозяйственных культур из-за влияния на многие процессы. В связи с этим фенотипические исследования сортов пшеницы в условиях засухи имеют научное и практическое значение.

В мировом масштабе, помимо повышения урожайности пшеницы и ее качества, ускорения селекционных процессов, совершенствования технологий возделывания, проводятся научные исследования по улучшению ее физиологических свойств. В связи с этим особое внимание уделяется фенотипированию, направленному на количественное измерение морфофункциональных особенностей растений, изучению взаимосвязи генотипа и окружающей среды, определению влияния физиологических показателей растений на продуктивность, статистическому анализу взаимосвязи генотипа и фенотипа, точной и объективной регистрации параметров растений с использованием цифровых автоматизированных методов при создании сортов, устойчивых к различным стрессовым факторам.

В нашей республике во многих отраслях осуществляются крупные реформы, включающие развитие сельского хозяйства и эффективное использование достижений науки, возделывание пшеницы и повышение урожайности, в том числе создание и внедрение сортов мягкой пшеницы, устойчивых к биотическим и абиотическим факторам и обладающих высокими хозяйственными показателями. В стратегии развития нового Узбекистана¹ поставлены задачи “создания и внедрения в производство новых селекционных сортов сельскохозяйственных растений, приспособленных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям”. Исходя из этих задач, важно использовать современные научные достижения, в том числе высокоэффективные методы фенотипирования, в традиционной селекции при создании новых сортов пшеницы с высокой урожайностью и устойчивостью к внешним факторам среды.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-5853 от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП 6198 от 01

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

апреля 2021 года «О совершенствовании системы государственного управления развитием научной и инновационной деятельности», в Указе Президента Республики Казахстан ПП-6097 от 29 октября 2020 года «Об утверждении Концепции развития науки до 2030 года» и других нормативно-правовых документах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики - V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и защита окружающей среды».

